

## ПЕШАҒОР ҚИШЛОҒИ ЭКОТУРИСТИК МАНЗИЛ СИФАТИДА

**Санаева Лола Шукурбоевна**

*Жиззах давлат педагогика университети, доцент в.б.*

**Сафаров Каримжон Сафарович**

*Ўзбекистон Миллий университети, профессор*

**Аннотация:** Жиззах вилоятидаги кўплаб қишлоқлар экотуристлик манзилларда ва табиий қўриқланма ҳудудларнинг ичида жойлашган. Шундай қишлоқларнинг бири Зомин туманидаги Пешағор қишлоғи ҳисобланади. Ушбу қишлоқ сойликлари, табиий гор, тоғ-ўрмон манзаралари ва тоза ҳавоси билан экотуристлик салоҳияти юқори бўлган маскандир.

**Калит сўзлар:** Экотуризм, зиёратгоҳ, этнотуризм, табиий гор, сойликлар, тоғли манзарлар, этнографик музей, уф одатлар, анъаналар, маросимлар.

### Кириш:

Мухтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан 2019 йилнинг 1 ноябридан соң қарорида айнан жойлардаги энг юқори туризм салоҳиятга эга бўлган фуқаролар йиғинлари (шаҳарча, қишлоқ, овуллар ҳамда шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларнинг маҳаллалари) рўйхатини шакллантириш кўзда тутилган. Яъни фуқаролар йиғинлари ҳудудларида 20 тадан кам бўлмаган оилавий меҳмон уйлари яратилган, сайёҳлар учун камида беш хил хизмат тури (яшаш ва ёки овқатлантириш хизматларидан ташқари) кўрсатилган тақдирда, уларга «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақоми берилиши кўзда тутилган. Ҳамда 2020 йилдан бошлаб «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақомининг берилган фуқаролар йиғини «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурларига киритилиши назарда тутилади. Шуларни назарда тутиб Ўзбекистондан туризм қишлоқлари рўйхалари кенгайиб бормоқда. Жиззах вилоятининг нисбатан туристик салоҳияти юқори бўлган қишлоқлардан бизи Зомин туманида жойлашган II қишлоғидир.

Пешағор қишлоғини экотуристлик манзил сифатида эътироф этиш баробарида экологик туризм тушунчасига қисман тўхталиб ўтсак. Экотуризм тушунчаси бугунги кунда кенг қўлланилмоқда ва ундан фойдаланиш йўналишларини урта гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Қўриқхона, миллий боғ ва экологик тоза жойларада дам олиш. Ёввойи табиат билан танишиш. Шу мақсад билан жуда кўплаб экологик тур ташкил этилмоқда. Уларнинг ёрдами билан миллий боғларнинг моддий фонди таъминланади.



2. Ёввойи табиат, йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимликларни ўргатувчи, урганувчи дастур, шунингдек моддий қўллаб қувватлаш табиий ҳудудларни, ёрдамга мухтож экологларни моддий қўллаб қувватлаш учун ташкил этилади.
3. Фаол дам олиш. Дам олувчилар табиатга ёрдам бериш лойихасида кўрсатилган маълум ишларда қатнашади. Бунуақа қатнашишлар ҳар хил формаларда олиб борилиши мумкин. Бунда иш учун ҳақ туланилади ёки ҳақ туланмасдан эвазига текин турар жой ва озик овқат билан таъминланади.

Шу билан бирга экотуризм қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириши лозим:

- Атроф мухитга зарар етказмаган ҳолда экологик турғунликни таъминлайди.
- Одамларнинг экологик билимларини оширади.
- Маҳаллий, маданий мухит сақланишига ғамхурлик қилиш.
- Худуд ривожланишини таъминлаш.

**Тадқиқот ишининг мақсади.** Жиззах вилоятининг экотуристик салоҳияти юқори бўлган қишлоқларидан бўлган Пешағор қилоғининг туристик салоҳиятини очиб бериш. Қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминланишида ва қишлоқнинг ижтимоий ва иқтисодий жихатидан ривожланишида экологик туризмнинг ролини кўрсатиб ўтиш. Экологик туризмни ташкил этиш ва ривожлантиришда Пешағор қишлоғидаги имкониятлари, муаммолар ва уларни бартараф этиш чора тадбирларини тавсия этиш.

**Материаллар ва усуллар.** Тадқиқотда табиий қўриқланма ҳудудларда экотуризм инфратузилмаси ривожланишини белгилашда яқин йилларда кутилаётган ўзгаришларни ҳисобга олиш ва шу орқали туризмнинг ривожланишини яхлит инфратузилма сифатида ўрганиш методологияси қўлланилиб, бу борада мутахассислар фикрини ўрганган ҳолда, кузатиш, қиёслаш, эмперик тадқиқот, SWOT таҳлил, қиёсий таҳлил ҳамда эксперт баҳолаш каби усуллари орқали инфратузилманинг таркибий қисмлари ривожланиши йўналишларини белгилаб бериш усули тақлиф этилган.

**Ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ туризми мамлакатимиз учун нисбатан янги йўналиш бўлганлиги туфайли Россия олимларининг илмий тадқиқот ишларида даставвал тўхталаб ўтамиз. А.Ю. Александрованинг “География туризма” деб номланган дарслигида қишлоқ туризмни экологик туризмнинг бир тармоғига қўшишни илгари суради.[4]В.В. Храбовченконинг “Экологический туризм” деб номланган ўқув қўлланмасида экологик туризм билан бирга қишлоқ туризмни ташкил қилиш борасида тўхталган[5]. А.Б. Косолаповнинг “Теория и практика экологического туризма” деб номланган ўқув қўлланмасида экологик ва қишлоқ туризмни ташкил қилишнинг назарий масаласи устида тадқиқотлар олиб борган[6]. Шу сингари мамлакатимиз олимларидан З.И. Усманованинг олиб борган тадқиқотларининг асосий йўналишлари Ўзбекистонда туризм-рекреацион хизматларни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унда Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида рекреацион ва соғломлаштириш туризми талаб даражасида ривожланмаганлигини муассасаларнинг сони камлиги билан изоҳлаган [7]. Бу вилоятлардаги қишлоқлардаги туризм ресурслардан рекреацион ва соғломлаштириш туризмида самарали фойдаланиш йўллари ва шу орқали қишлоқлар инфратузилмасини такомиллаштириш борасида тўхталиб ўтилмаган.Д.З. Норқулова ўзининг илмий тадқиқотлари натижасида Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш борасида бир қатор тавсияларни ишлаб чиққан бўлиб, асосий йўналиш сифатида ижтимоий ҳимояни кўрсатиб ўтган. [8] Бунда туризмга хизмат кўрсатувчи қишлоқдаги объектлар ва уларнинг



ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, яхлит тузилмани яратиш борасида тўхталиб ўтилмаган. Таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда қишлоқ туризми инфратузилмасини ташкил қилувчи тармоқларни ривожлантириш, шакллантириш ва соҳага инновацияларни жорий қилиш борасида кўплаб муаллифлар ўртасида ягона тушунча мавжуд эмас. Фикримизча бу борада ҳали олиб борилиши керак бўлган тадқиқотларнинг кўлами кенг бўлиб, қишлоқларимизда туризм инфратузилмасини шакллантиришда тармоқларнинг бир-бирига мутаносиб ривожланишини таъминлашимизда атрофлича белгиланган халқаро тажрибаларини ҳам ҳисобга олишимиз лозим.

Жиззах вилояти Зомин таманида жойлашган Пешағор қишлоғининг экотуристтик салоҳияти ўрганилмаган ва манбааларда ёритилмаган.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** Кейинги йилларда Жиззах вилоятига ташриф буюрадиган маҳаллий ва чет эллик сайёҳларнинг барчаси айнан қишлоқ жойлардаги туристик объектлар ва туристик манзиллардаги маршрутлар бўйлаб саёҳат қилмоқлар. Экологик ёдгорликлар нихоятда кўп бўлса улар тўлалигича ўрганилмаган ва туристик маршрутларга киритилмаган.

Жиззах вилояти аҳолисининг катта қисми қишлоқларда истиқомат қиладилар. Вилоятдаги чўл, тоғ, тоғ олди, сойликлар ва адир минтақаларидаги юзлаб қишлоқлар рекреацион ва кўриқланма ҳудудларда атрофида жойлашган. Шуни ҳисобга олсак ушбу жойларда аҳолининг иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришда ва экологик туризмнинг алоҳида ўрни борлиги яққол намоён бўлади.

Пешағор қишлоғида экотуризмни ташкил этиш ва ривожлантиришда қуйидаги мақсадлар кўзда тутилади:

Ижтимоий-маданий мақсадлар- Миллий кадриятлар ва урф-одатларни сақлаш; Тарихий обидаларни химоялаш.

Экологик мақсадлар-Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш; Атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш; Био хилма-хилликни сақлаш;

Иқтисодий мақсадлар-Чекка тоғли ҳудудларда янги иқтисодий тармоқни барпо этиш (этнотуризм, экотуризм, агротуризм, спелеотуризм ва х.к. ); Янги иш ўринларини жорий этиш; Маҳаллий аҳоли учун кўшимча даромад манбаини яратиш; Маҳаллий туризм субъектларини яратиш ва уларнинг даромадлигини таъминлаш.

Пешағор қишлоғи Зомин тумани, Молгузар тоғ тизмаси этакларида жойлашган бўлиб, туман марказидан 20 км, 15 дақиқада келиш мумкин., темир йўл етиб келмаган. Жиззах шаҳар маркази вокзалидан 70 км. 40 дақиқада транспортда келиш мумкин. Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги аэропортдан 165 км (2:20 соатда етиб келиш мумкин). Қишлоқнинг денгиз сатҳидан 1000-1200 метр баландликда бўлиб, аҳолисининг сони 35,0 минг киши. Қишлоқ ҳудудида 16,8 минг гектар Зомин ўрмонлар хўжалиги ҳудудига тегишли ўрмон, тоғ ва сойликлар мавжуд. Аҳолиси асосан чорвачилик, дехқончилик билан шуғулланади.

Пешағор қишлоғининг экотуристтик салоҳияти бўлиб асосан қуйидагилар ҳисобланади: Молгузар тоғи экологик тизими; Мусаффо ва саломатлик учун фойдали ҳавоси: Ўрмон хўжалиги ерларида юқори рекреация ҳудудлари; Моргузар тоғ тизмасидаги ноёб флора ва фауна; Зиёратгоҳлар; Пешағор ғори; Бой қадимий тарих ва маданияти; Булоқлар; Кўп ёшли дарахтлар; Сойликлар; Маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва удумлари; Хунармандлар; чавондоз полвонлар, машхур кўп ёшли кишилар; Тарихий малумотлар ва афсоналар; Тарихий - этнографик музей; Миллий тамомлари.



Шундай қилиб, Пешағор қишлоғи гўзал табиати, зилол суви-ю, содда ва самимий инсонлари билан машҳур Пишағар қишлоғи ҳудуд жихатдан юртимиздаги энг катта қишлоқлардан бири ҳисобланади.



### Хўжаи-сероб зиёратгоҳи ва Пешағор ғори

Маҳаллий аҳоли айтишича ва айрим тарихий маълумотларга кўра қишлоқнинг номи билан боғлиқ икки хил тахмин мавжуд. Биринчи тахминга кўра Пишағарнинг "беш оқар" (сув) деган маънони билдирса, иккинчи тахминга кўра "Пешағор — "ғор оғзидаги (этагидаги) қишлоқ" деб ҳам аташади. Энг қизиғи "Бош Пишағар" қишлоғи ғордан беш-олти километр масофада, унинг этагида жойлашган. Қишлоқ ичидан оқиб ўтувчи сув "беш оқар" эмас, балки "бир оқар" — бир сойнинг, "Хўжаи Сароб" – "сув боши хўжаси, эгаси" деб номланган жойдан бошланувчи "Пишағарсойнинг" суви, "беш жилға"дан эмас, балки қиш ва баҳор мавсумида юзлаб жилғалардан йиғилади. Шунинг учун ҳам Пишағар атамаси аслида "Пешағор" тарзида таркиб топган ва даврлар ўтиши билан талаффузи ўзгарганлиги эҳтимолдан холи эмас. Шундан билиш мумкинки қишлоқ номига кўпроқ иккинчи тахмин тўғри келади. Тарихи жуда қадим-қадимларга бориб тақалувчи ушбу қишлоқ ҳақида А.Македонскийнинг "Жангномаси" ҳамда З.М.Бобурнинг "Бобурнома" сида ҳам сўз юритилган. Қишлоқда маҳаллий аҳоли билан суҳбат давомида қизик бир маълумотга эга бўлдик. Айтишларича шу яқин атрофдаги "Хўжа Сероб" зиёратгоҳи атрофида маҳаллий аҳоли ташаббуси ва саъй ҳаракати ҳашар йўли билан қурилган ўлка тархи ҳақида ҳикоя қилувчи музей бор. Уч мингдан зиёд топилмаларга эга музей шу қишлоқлик оддий ўқитувчи Абдуғани Маматқуловнинг саъй ҳаракати билан 2014 йилда ташкил топган. Унда айнан шу қишлоқдан топилган ноёб топилмалар ва қадимий жиҳозлар кўргазмага қўйилган. Миллоддан аввалги 5-6 асрларга оид сув қувурлари, тегирмон тошлари ва сопол қозонлар, мой чироклар, гулли пиёла ва косалар ва катта-кичик хумларни учратишингиз мумкин. Музейда мис ва ёғочлардан ишланган турли уй рўзғор буюмлари билан бир қаторда оёқ кийим қолиплари, пичоқ чарх ва пахта чиғириқ ҳунармандчилик асбоблари пилта милтик, портламайдиган замбарак ўқлари, кишан ва хумлар қадимий чарх ва туя жунидан тўқилган дастурхонларни ҳам учратасиз. Икки минг йиллик тарихга эга тангалар, урчукбош, аёллар мунчоқлари, қатрон дарахтидан ясалган кўз мунчоқлар, сурмадон, тош игналар ҳаёлларни олис тарих сари етаклайди. 19 асрга оид гилам ва кашталар, тахмонқош, сўзана ва соч попуқларнинг ўтган вақт мобайнида ўз рангини йўқотмай сақланишида шу музей ходимларининг ва қишлоқ аҳлининг хизмати катта. Музей ва қишлоқ тарихи ҳақида қизикарли маълумотларни тақдим этган Зухра Маматқулованинг таъкидлашича қишлоқ аҳлининг ҳар бири музейнинг янада экспонатларга бойиши учун ўз ҳиссасини қўшмоқдалар. Пешағор қишлоғида 5 та ислом дунёсига оид зиёратгоҳ бўлиб улардан маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун мақбул бўлгани Хўжаи серо зиёратгоҳидир. Ушбу зиёратгоҳдаги қабри муқм бўлган инсон, асли улуғ олим бўлиб, исмлари Мавлоно Мушаммад





Пешоўарий экан. У киши 1321-йилда таваллуд топган эканлар. Бу зот тўғрисида ва у кишининг илмий фаолияти ҳақида Фахриддин Али ибн Воиз ал Кошифийнинг «Рашхату айнул ҳаёт» номли тазкирасининг 215-216-бетларида бир мунча маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотларга қараганда Мавлоно Муҳаммад силсилаи Хожагон йўналишидаги «Нақшбандия» тариқатининг забардаст вакилларида бўлиб, илми зоҳир ва илми ботинда машхури жаҳон эканлар. Туғилган йиллари ҳижрий санада 700 - йил, тахаллуси “Хожаи Сер-об”, ёки “Хожаи Сар-об”. Айтишларича, шу инсон олис юртлардан бизнинг юртимизга саёҳат қилиб келиб қолибдилар. Моргузар тоғидан ўтаётганларида иттифоқо, сҳлим ва бадаво жойга кўзлари тушиб, бу масканда муқим қолиш истаги туғилибди. Шу исак билан бир кулба қуриб, истиқомат қила бошлабдилар ва ўзларига “Пешоғарий”, яъни «Пишағорлик» деган тахаллус ҳам танлабдилар. Хўжаи Сароб ота умрининг охирига қадар ушбу масканда яшаб, боғдорчилик, узумчилик билан шуғулланиб, ҳалол меҳнат қила кун кечирган, шу билан бирга маҳаллий аҳоли фарзандларини илму маърифатли қилган комил инсон эканлар. Бугунги кунда Хўжаи-сероб зиёратгоҳида нафақат маҳаллий балки хорижий сайёҳлар учун ҳам сайёҳли маскани бўлиб қолмоқда.

Ушбу қишлоқнинг туристик маскан сифатида машхурқилаётган яна бир сабаби бу Пешағор ғоридир. Манбааларда ушбу ғор ҳақида кўплаб қуйидаги маълумотларни учратишимиз мумкин. Жиззах вилояти жанубидаги Молгузар тоғ тизмаси Ўзбекистондаги энг сирли ва фусункор жойларни – Беш ғор водийси, Бешпешағорни ўз қатида яширган. Мўътабар сўфий Мавлоно Муҳаммад мақбараси ёнидаги булоқдан бошланган йўл тиконли писта буталари ўсувчи кимсасиз тўқайзорлар дунёсига олиб кетад. Ғорларнинг энг каттаси ярим гумбаз шакли каттагина кириш жойига эга. Унинг залларидан биринчиси ўзининг катталиги билан лол қолдиради – узун 250 метр ва кенглиги 10 метр. Бироқ тадқиқотчилар ундан минг метр пастга тушишиб ҳам чегарасини топа олмаганлар. Ривоятларга кўра, ерости йўли бутун тоғ тизмаси бўйлаб давом этар экан. Александр Македонскийнинг Сўғдиёнадан Довонга қилинган омадсиз юриши пайтида бу ерда тоғли Усрушона исёнкор бекликларининг минглаган аскарлари яширинишиб, афсонавор саркардани чекинишга мажбур қилган эмишлар.

Ўзбекистонлик олимлар экспедицияси Пешағорда қадим маданият қолдиқларини – идиш қолдиқлари, майший ашёлар, суяклар, қоя ёзувлари ва расмларни топган. Археолог Саттор Қорабоевга кўра, ғор оташпарастрларнинг ерости ибодатхонаси бўлган бўлиши мумкин. Хитойнинг Тан-шу солномасида (VI аср) зикр этилган ибодатхона айнан шу бўлиши мумкин: «Сутулусен мамлакатидаги Йеча шаҳри яқинида жойлашган ғорда зардуштийлар қурбонлик қилиш маросимини ўтказадилар». Жиззах вилояти жанубида археологлар исломгача бўлган даврга оид кўплаб ноёб топилмалар топганлар. Улар ичида Зомин туманининг Сегизсари, Оқтепа ва Жартепа мазористонларидан топилган бутлардир. Олимлар Пешағорнинг фақат ва айнан зурдуштийлик динига тегишли бўлган, деган хулоса чиқаришга шошилмаяптилар. Пеш ғор водийси ҳали кўплаб оламшумул кашфиётларга сабаб бўлиши мумкин, чунки уни тадқиқ этиш эндигина бошланмоқда. Жуда кам ўрганилган бу тоғли ўлка ҳозиргача қадим тарих сир-асрорларини ва табиат мўъжизаларини қатида сақлаб келади. Сўфийлик асрорларини билган ва Мавлоно Муҳаммад мақбарасини қўриқлаётган маҳаллий аҳоли ёввойи ҳайвонларнинг ўзига хос хусусиятлари ва кўп хасталикларга даво бўлган ўсимликлар хосияти ҳақида жуда кўп нарса биладилар [9].

Пешағор қишлоғи турли урф одатлар ва удумларга эга бўлиб булар қишлоқ ҳаётида қадимдан муҳим ҳодисалар содир бўлганида вужудга келади ва кишилар ҳаётидаги энг муҳим воқеаларни (масалан, туғилиш, уйланиш, ўлим) ўзи ичига олади. Ўзбек оилаларида ёш оилаларни тарбиялаш учун ўзига хос маънавий "зина" сифатида хизмат этадиган, чақалок туғилгандан, то улғайиб, янги оила қургунгача бўлган ҳаётини муҳим воқеаларни қайд қиладиган



маросимлар тизими ("Чақалоқ дунёга келиши", "Исм бериш", "Чақалоқ чилла", "Бешик тўй", "Соч тўй", "Тиш тўй", "Биринчи қадам", "Суннат тўй", "Мучал ёш", "Никоҳ тўй" кабилар) вужудга келган

- **Бешик тўйи** Пешағорда қадимий оилавий маросимлардан бири ҳисобланади. Бу маросим бола туғилганда етти, тўққиз, ўн биринчи кунлари ёки келин-куёвнинг ота-оналарининг ўзаро келишувлари билан белгиланган кунда асосан қариндош-уруғ, кўни-қўшнилар иштирокида ўтказилади. Айнан бешик тўйини бошқа оилавий маросимлардан фарқи шундаки, унда эркаклар қатнашмайди ва асосан хотин-қизлар иштирок этишади.
- **Суннат тўйи** Пешағорда қадимдан сақланиб келаётган маросим хатна қилиш (ўғил тўйи)дир. Ўзбекистоннинг турли худудларида бу маросим "суннат тўйи», "чукрон», "хатна тўйи", "қўлини ҳалоллаш (поклаш)" каби номлар билан юритилади.
- **Мучал ёшини** Пешағорликларда ўғил-қизларнинг болаликдан ўсмирликка ўтиш нишонлаш аънанаси бўлган. Унинг нишонлаш умрининг бир даврдан иккинчисига ўтиш — болаликдан ўсмирликка ўтиш тантанаси сифатида байрам қилинган.

«**Никоҳ**» сўзи арабча бўлиб, эр-хотинликни шариат йўли билан қонуний расмийлаштириш, оилавий иттифоқ деган маънони билдиради ҳамда боғдорчилик билан шуғулланадилар.

Тоғларда кўшлаб чорва моллари ва эчкиларини боқиб, уларнинг жунидан турли уй рўзғорига кералиб бўладиган гилам, шолча каби буюмларни Пешағорлик аёллар ўз қўллари билан тўқийдилар.

- Тўқиш асосан хотин қизлар юмушлари бўлиб, ҳар бир хонадонда улғаяётган қиз турмушга чиқишдан аввал албатта ўз қўллари билан тўқилган гилам, жулбароқ каби буюмларини ўзлариининг келгуси турмушларига атаб тўқийдилар.
- Шунингдек, шундай юмушлардан бири каштачилик бўлиб, маҳаллий хотин қизлар ўз тўйларида "сэп" сифатида келинлик уйларини безатиш учун кашта тикадилар. Кашта соф ипакдан тикилади ва ипак табиий маҳсулотлар (анор ва пиёз пўчоғи ва х.к.)лар ёрдамида бўялади. Қизларнинг бу каби қўл ишларининг кўплиги келгуси келинлик уйларида қизларнинг саронжом саришта ва сабрли бўлиш руҳида тарбиялашда асосий воситалардан бири деб ҳисоблайдилар. Қадимги Пешағорликларнинг жун маҳсулотларидан ип тайёрлаб тўқиган гиламлар Буюк ипак йўли орқали дунё бозорига чиқарилган ва жуда харидоргир бўлганлиги тарихий манбаалардан маълум

**Хулоса ва таклифлар.** Агар Ўзбекистон туризм бренди юрагини Буюк ипак йўлининг қадимий шаҳарлари бўлмиш Бухоро, Самарканд, Хива, Шахризабс ва Термиз деб қарасак, Пешағор қишлоғини Ўзбек этнотуристтик қишлоқ сифатида шакллантириганимиз ва ушбу жойда қулай инфратизилмани барпо этганимиз билан хорижликлар учун Ўзбекистонга келишнинг асосий сабабларидан бирига айланади дея олмаймиз. Бирқ Арнасойдаги пляж туризми ва Зоминнинг тоғ туризми негизида тўлдирувчи ва айрим турдаги сайёҳларни қизиқтирувчи маршрут сифатида туризм бозорига тақдим этишимиз мумкин.

- Пешағор қилоғида ҳозирда мавжуд бўлган меҳмон уйлари хорижий сайёҳларни қабул қилиш учун мослаштирилмаган. Яъни, ётоқ қараватлари тор. Миллий атрубитларга кам эътибор қаратилган. Ушбу оилавий меҳмон уйида хизмат қилувчилар хорижий тилларни билмайдилар. Меҳмон уйи атрофдаги маршрутлар ва туристик объектлар ҳақидаги маълумотлар йўқ. Жумланд, фауна, флора, Пешағор ғори, аҳоли турмуш тарзи, аънаналари, маросимлари, миллий кийимлари ва х.к..
- Пешағор қишлоғида фақат зиёратгоҳларга олиб борадиган йўлларга йўл белгилари қўйилган, бироқ сифатсиз ҳамда фақат маҳаллий тилда. Шунингдек, қишлоқнинг



туристик харитаси ва маълумотлар тахталари ҳам ҳеч қаерга ўрнатилмаган. Бу эса яққа ва гуруҳ бўлиб келган сайёҳлар учун қийинчиликлар олиб келади.

Туризмнинг йил давомида ташкил этилиши учун туристик қишки базалар ҳам йўқ. Ташкил этилган музей музей талабларига жавоб бермайди. Биноси тор, экспонатларнинг сақланиши ва намоиши талаб даражасида эмас. Агар Европа сайёҳларининг тоғ туризмига йил давомида қизиқишларини ҳисобга олсак, Пешағор қишлоғидаги туристик объектларни яъни, Пешағор ғори, Қадимий ёдгорликлар ва қишлоқ аҳолисининг миллий яшаш тарзи ва урф одатлари, тоғ туризми йўналишларидаги маршрутларни тўлдирувчи ва биров бойитувчи маскан сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Бунинг учун қуйидагиларни амалга оширишимиз лозим бўлади:

- Молгузар ва Туркистон тоғ тизмаларида қадимдан мавжуд бўлган ва қишлоқларни бир бирига боғловчи тоғ сўқмоқларини туристик маршрутлар сифатида шакллантириш ва жихозлаш лозим;

- Пешағор қишлоғи атрофидаги Бешкуби, Аччи, Увол, Қормозор, Каримсой ҳамда қўшни Бахмал туманидаги Музбулоқ, Зарпепа, Оқ мулла, Алдашман, Бойқўнғир каби қишлоқларда ҳам сайёҳларнинг қолишлари, хавфсизлиги ва маршрутлар жозибадорлигини ошириш учун зарур чораларни амалга ошириш (оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш, маршрутларни жихозлаш, туризм маълумотлари базасини шакллантириш ва х.к.) лозим;

- қишки мавсумда сайёҳларни жалб қилиш учун тоғ чанғи спорти, трекинг, дентоплан, спорт туризм каби йўналишларини йўлга қўйиш учун ҳам инфратизилмаларни шакллантириш;

- Пешағор қишлоғидаги Пешағорсойнинг чап ва ўнг қирғоқларидаги транспорт ва сўқмоқ йўллари негизида отда, пиёда ва велосипедда юриш йўлакларни ташкил этиш лозим

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2016 йил 2 декабрь, ПҚ – 2666 - сон.
2. “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2018 йил 6 февраль. ПҚ-3510-сон.
3. “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2019 йил 05 январь, ПФ-5611 сон
5. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сухность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 .
- 6 А.Ю. Александрова. География туризма. Москва, Кно Рус, 2010, 590 с.
7. В.В. Храбовченко. Экологический туризм. Учеб. Пособ. Финансы и статистика, Москва, 2004.-172 с.
8. А.Б. Косолапов. Теория и практика экологического туризма, Учеб. Пособ. Москва, КНОРУС, 2005.- 240 с. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2019 yil 154/2019 (№ 00042) <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
9. Давр нафаси. Рисола. А.Илашев.”Маърифат”, Тошкент.2013 й.104-116 б.

